

СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат педагогика университети.
- Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг ривожлантириш маркази.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳуқуқидаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий беришмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи комиссиянинг 2018 йил 28 август кунлиги 1-сонли йўналишда маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

3. ЖОРИЙ УТИЛГАН:


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

5110300-Кимё ўқитиш методикаси бакалавриат таълим
йўналишининг малака талаблари

Маъмур малака талаблари ўқитиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

Ўзбекистон ҳудудида расмий чоп қилинган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

Тошкент



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат педагогика университети.
- Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ривожлантириш маркази;

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳуқуқидаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича давлат ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2024 йил «10» *сентябр* даги 4 - сонли йнгилишида маъқуллиланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

| Т/р | бет |
|--|-----|
| 1. 5110300-Кимё ўқитиш методикаси бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи | 1 |
| 1.1. Қўлланиш соҳаси | 1 |
| 1.2. 5110300–Кимё ўқитиш методикаси бакалавриат таълим йўналиши бўйича касбий фаолиятлари таснифи | 1 |
| 2. 5110100-Кимё ўқитиш методикаси бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар | 6 |
| 2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар..... | 6 |
| 2.2. 5110300–Кимё ўқитиш методикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари | 6 |
| 3. 5110100-Кимё ўқитиш методикаси бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар | 7 |
| 3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар | 8 |
| 3.2. 5110100-Кимё ўқитиш методикаси бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми | 10 |

1. 5110300 – Кимё ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи

5110300– Кимё ўқитиш методикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади. Фан дастурларининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малака(даража)си ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати, ўқиш шакли ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режаси ва фан дастурда кўзда тутилган ўқув шакли, меъёрий муддати ва унга мувофиқ малака даражаси

| Ўқув режа ва фан дастурининг номи | Малака (даража) | Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати |
|---|------------------------|--|
| Бакалаврият таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурлари | Бакалавр | 4 йил |

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5110300 – Кимё ўқитиш методикаси** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналиши(таркиби)нинг бакалаврият таълим йўналишларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5110300–Кимё ўқитиш методикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврнинг касбий фаолиятлари таснифи

1.2.1. 5110300-Кимё ўқитиш методикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5110300-Кимё ўқитиш методикаси бакалавриат таълим йўналиши- умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун бакалавриат таълим йўналиши бўйича педагогик кадр жараёнида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари;

-Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш;

-оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 5110300-Кимё ўқитиш методикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:

- таълим жараёни; ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари;

- таълимнинг назарий масалалари; ўқитиш методикаси;

- лойиҳалаштириш асосида ўқув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш;

- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари; маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёнлари.

5110300-Кимё ўқитиш методикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

– умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида «Кимё», “Умумий кимё”, “Анорганик кимё”, “Аналитик кимё” ва “Органик кимё” фанларидан ўрнатилган тартибда дарс бериш;

– таълим тизимида кабинет мудирини, лаборант ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;

– мос таълим йўналишлар бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, уларнинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида методист бўлиб ишлаш;

– табиий фанлар йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;

– маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишлаш;

– ишлаб чиқариш соҳаларида, касбий таълим педагогикаси ва технологияси, ўқитишнинг дидактик воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

1.2.3. 5110300-Кимё ўқитиш методикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

• педагогик;

• илмий-тадқиқот;

• маънавий-маърифий;

• ташкилий-бошқарув;

Таълим йўналиши йўналишлари бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. Таълим йўналиши бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари:

Битирувчилар касбий қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин олий, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва касб-хунар таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган турдош (соҳага мос) фанларни ўқитиш имкониятига эга бўлади.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5110300–Кимё ўқитиш методикаси таълим йўналиши бўйича бакалавр **5A110301-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё)** магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5110300-Кимё ўқитиш методикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

Бакалавр:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний кадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиш;
- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиш;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиш;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва *қўникмаларига эга бўлиши лозим.*

Бакалавр:

- таълим йўналишлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалаврият йўналишлари доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.2. 5110300-Кимё ўқитиш методикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

педагогик фаолиятида:

-таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини моделлаштириш;

-яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш;

-таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш;

-таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шаклларида унумли фойдаланиш, ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;

-талабаларнинг креатив салоҳиятни таълим тизимини ахборотлантириш жараёнида шакллантириш ва ривожлантириш;

-таълим менежменти бўйича билим ва қўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш;

-таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

– кимё ўқитиш методикаси фанининг асосий мақсади ва тушунчалари, кимё ва унга оид фанларнинг шаклланиши ва ривожланишининг тарихий босқичлари; Ўзбекистон олимларининг кимё соҳасидаги ютуқлари, Ўзбекистонлик олимларнинг кимёнинг ривожлантиришга қўшган ҳиссалари ва кимёвий фанларининг кейинги ютуқларини билиши;

кимёнинг назарий масалалари тўғрисида, жумладан атом ва молекулалар тузилишининг квант механик талқини; кимёвий боғланиш тўғрисидаги тасаввурнинг ривожланиши ва умумий

тавсифи; кимёвий термодинамика, кимёвий жараёнларининг кинетик ва термодинамик қонуниятлари; оксидланиш-қайтарилиш реакциялари ва электролиз қонунлари; электролитик диссоциланиш назарияси ва гидролиз жараёнлари; органик кимёга кириш ва унинг асосий хусусиятлари ҳақида назарий билимга эга бўлиши;

Кимё тарихи фанининг асосий мақсади ва тушунчалари; кимё тарихи алоҳида фан сифатида пайдо бўлиши, унинг ривожланиш тарихи; инсоният ривожланиши тарихини тош, янги тош(неолит), мис, бронза, темир даврларга бўлиниши; Грек атомистикаси. Алкимё даври. Алкимёнинг келиб чиқиши. Араб ва Европа алкимёси, унинг энг машҳур намоёндалари ва уларнинг кимё соҳасидаги ишлари ҳақида **тасаввурга эга бўлиши**; XIX ва XX асрда органик кимёнинг ривожланиши; XX асрда квант-механика ва квант кимё ҳақида **билиши ва улардан фойдалана олиши**;

XX асрда квант-механика ва квант кимё; Ўзбекистонда кимё фани ва саноати ҳамда уларнинг ривожланиши асослари; Ўзбекистоннинг машҳур кимёгар олимлари ва уларнинг илмий фаолияти; кимё ривожланишининг истиқболлари бўйича **кўникмаларига эга бўлиши керак**.

Анорганик кимё фанига кириш, Д.И.Менделейев даврий системаси, асосий ва қўшимча гуруҳи элементлари оддий ва мураккаб моддаларининг тузилиши, олиниши ва ҳоссалари; элементлар ва уларнинг бирикмаларини кашф қилиниши; водород, гидридлар ва уларнинг ҳоссалари; с оила элементларининг олиниши физик ва кимёвий ҳоссалари; п оила элементларининг олиниши физик ва кимёвий ҳоссалари; д ва ф оила элементларининг олиниши физик ва кимёвий ҳоссалари, атом ва молекулалар тузилиши октава назарияларига оид билимлар ва уларни амалий масалаларни ҳал қилиш;

Аналитик кимё фанининг бошқа фанлар билан алоқаси, халқ хўжалиги ва саноатда тутган ўрни ҳақида; сифат ва миқдор анализи, ҳўл ва оуруқ усулдаги анализ, катион ва анионларнинг сифат реакциялари ёрдамида идентификация қилиш методлари, анализнинг гравиметрик, титриметрик, физик-кимёвий методлари; турли усулларда эритмалар тайёрлаш, тажрибаларни ўтказиш билиши ва улардан фойдалана билиш; физик кимёвий методлар қурулмаларини ишлата билиш кўникмаларини ишлата билиш коникмаларига эга бўлиши керак.

Органик кимёнинг ривожланиш тарихи, органик моддаларни тадқиқ этиш методлари; органик моддаларнинг кимёвий тузилиши, А.М.Бутлеров назарияси, кимёвий боғланишнинг электрон назарияси, йўналувчан валентликлар назарияси, электронларнинг силжиш назарияси; изомерия, органик реакцияларнинг синфлари, органик бирикмаларнинг синфлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши; углеводлар-алканлар, алкенлар, алкинлар, алкадиенлар, циклоалканлар ва ароматик углеводородлар, алканларнинг галогенли ҳосилалари; нефт ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари; органик кимё фани бўйича тажрибалар ўтказиш ва масалалар ечиш малакаларини ҳосил қилиши ҳамда амалда қўллаш олиши;

- Агрокимё фанининг юксалиш босқичлари, ўсимликларнинг кимёвий таркиби ва озикланиши, тупроқларнинг ўсимликларни озикланиши ва ўғит қўллаш билан боғлиқ ҳоссалари, минерал ўғитларнинг турлари асосларини, лаборатория машғулотида тупроқ таркибидаги азот, фосфор ва калийни ҳаракатчан формаларини аниқлаш, ўсимликнинг бошқа белгиларига қараб уларнинг ўғитларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, минерал ўғит турлари ва сифат реаксиялари ёрдамида аниқлаш методларини ўрганиб олиши, замонавий асбобларда ишлай **билиши ва улардан фойдалана олиши**;

Электрокимё фанининг асосий назариялари ва қонунларини англай билиши, электролитларнинг назарий асослари, электр ўтказувчанлик, электрод жараёнлари кинетикаси, металллар коррозиясининг назарий асосларини, лаборатория машғулотида электрокимёнинг текшириш методларини ўрганиб олиши, замонавий асбобларда ишлай олиши;

- Физик кимё фанининг юксалиш босқичлари, ўрганиш жараёнида кимёвий реаксияларнинг ўз-ўзидан кетиш эҳтимоллигини ва ташқи шароитга боғлиқ равишда йўналишини, турли кимёвий жараёнларнинг кинетик параметрларини, моддаларнинг сўхала дисперсланган ҳолати, дисперс системаларнинг хиллари, уларни классификациялаш асослари, олиш, тозалаш ва тадқиқ қилиш усуллари, кинетик, оптик, электрик, механик ва бошқа ҳоссалари, кинетик барқарорликнинг хиллари ва сабабларини билиши ва улардан фойдалана олиши; физик кимё фанидан дарс, лабораторияларни бажариш натижасида талаба классик ва замонавий метод ва асбобларда эксперимент ўтказиш **кўникмасига эга бўлиши керак**.

Ўзбекистонда кимё саноатининг табиий захиралари; Ўзбекистон Республикасининг кимё саноатлари; моддаларнинг замонавий усулларда олиниши;

кимёвий тоза моддалар ишлаб чиқариш муаммолари; кимёнинг экологик масалаларини билиши, кимё - технологик ва металлургик жараёнларни кимёвий қонуниятлар асосида кўриб чиқиш **кўникмасига эга бўлиши керак.**

Ўзбекистонда кимёвий металлургик ва кимёга оид бошқа ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, республикамиздаги энергетик заҳиралар асосидаги кимёвий ишлаб чиқаришлар ривожланишининг истиқболлари. Техника тараққиёти йўллари: янги дастгоҳлар ва технологик жараёнлар асосида ишлаб чиқаришнинг қувватини орттириш, янги механизматсиялаш, автоматлаштириш ва роботлантириш ҳисобига иқтисодий жихатдан сарфларни камайтириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни такомиллаштиришлар **малакасига эга бўлиши лозим.**

Полимерланиш реактсияларининг асосий хусусиятлари; полимер эритмаларининг ўзига хослиги ҳақида тасаввурга эга бўлиши; полимерларнинг кимёвий тузилиши ва синфланиши; синтетик полимерларнинг олиниши; занжирли ва босқичли полимерланиш реакциялари; радикал ва ионли полимерланиш реактсиялари ва уларнинг ўзига хослиги; поликонденсатсияланиш реактсиялари ва унинг асосий хусусиятлари; сополимерланиш реактсиялари ва механизми; пайванд ва блок сополимерлар синтез қилиш усуллари; полимерланиш жараёнини ўтказишнинг технологик усуллари; целлюлозанинг оддий ва мураккаб эфирлари, уларнинг олиниш усуллари ҳақида билиши ва улардан фойдалана олиши; физик-кимёвий методлар билан суьлтирилган ва контсентрланган полимер эритмаларни ҳосил қилиш; полимерларнинг молекуляр массасини аниқлаш; олган назарий билимларини амалда, яъни лаборатория шароитида мустаҳкамлаш мақсадида полимерланиш реактсияларини бажара олиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

Кристаллокимёдан кристалларнинг ички тузилиши умумий қонуниятларини кимёвий назариялари тўғрисида тараққуларга эга бўлиши; кристалларнинг ички тузилишида қатнашадиган атамалари ўзаро боғланишларини, ички тузилиши билан физик-кимёвий хусусиятларининг ўзвий боғлиқлигини; назария таълимотлари асосида моддаларнинг тузилиши билан боғлиқ хоссаларини аниқлаш олиши **тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;**

Ўзбекистонда экологик аҳвол, жамият ва атроф – муҳит сотсиал экологик иқтисодий системалар; экологик системаларнинг тузилиши, функтсиялари, ўзаро боғлиқлиги **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;** ишлаб чиқариш системалари; атмосфера ва уни муҳофаза қилиш, атмосферани ифлослантирувчи манбаълар, ифлослантирувчи асосий моддалар; саноат корхоналаридан атроф-муҳитга чиқадиган ифлос чиқиндиларни назорат қилиш ва нормалаш, атмосфера ҳавосини ифлосланишнинг санитария нормалари; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг норматив ва ҳуқуқий асослари; Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қонунлари ва табиатни сақлаш қонунчилигини **билиши ва улардан фойдалана олиши;** токсик моддаларнинг биосфера компонентларида йўл кўйилиши мумкин бўлган контсентратсияларини аниқлаш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

– Кимёдан масала ва машқлар ечиш фанининг ўқувчилар илмий дунёқараши шакллантиришдаги роли, умумий ва норганик кимё; аналитик кимё, органик кимёнинг, физикавий ва коллоид кимё ҳамда полимерлар кимёси қонунларига оид масалалар ечиш ва улардан дарс давомида фойдала олиши;

– олган назарий билимларини амалда мустаҳкамлаш мақсадида кимёдан масала ва машқларни бажара олиш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

– Кимёдан хилма-хил масала ва машқларни тузиш, турли хил топшириқ, жадваллар ва ностандарт тестлар, жадваллар тузиш қонуниятлар асосида кўриб чиқиш кўникмасига эга бўлиши;

– Ўзбекистонда аорганик кимё, органик кимё, аналитик кимё, кимё технологияси, физикавий ва коллоид кимё, кимё тарихига оид билимларни эгаллаш, кимёнинг долзарб масалаларини илг'ай олиши ва о'қувчиларга етаказа олиш малакасига эга бўлиши лозим.

- кимёни ўқитиш методикасининг педагогика, психология фанлари билан боғлиқлиги;

– кимёни ўқитиш методлари ва технологиялари, кимё бўйича яратилган дарсликлар, қўлланмаларнинг хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

– умумий ўрта таълим кимёси мақсади, мазмуни ва вазифалари, ўрта махсус, касб – хунар таълими кимё курсининг мақсади, мазмуни ва вазифаси;

– кимёни ўқитишда дидактик тамойиллар, кимё бўйича дарсдан ташқари ишларни билиши ва улардан фойдалана олиш;

– кимёни ўқитишда дарсдан ташқари ишлар ва синфдан ташқари машғулотларда педагогик технологиялардан фойдаланишни лойиҳалаштириш, усуллари ҳақида билиши ва улардан фойдалана олиши;

– кимё фанини ўқитишда илғор методик тажрибаларни умумлаштира олиш, кимё бўйича мустақил таҳсил олишга ўқувчиларни йўллаш;

– кимё фани бўйича ўқувчилар билимини баҳолай олиши, кимё дарсларини режалаштириш;

- кимё фанини ўқитиш методларини, инновацион ва инфорацион технологиялар асосида дарс ўтиш методикасини, кимёвий тажрибалар ўтказиш ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

– анъанавий ва ноанъанавий методлар, илғор педагогик технологияларни фан ва мавзуларни ўтиш чоғида танлай олиши, ўз фанида метод ва технологияларни ижодий қўллай олиши, далилларни таҳлил қилиши, умумлаштириш ва шу асосда хулоса чиқара олишни билиши ва улардан фойдалана олиши;

- кимё фанларини ўрта умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида ўқитишнинг асосий назарий ва амалий масалаларидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

- кимёвий объект, ҳодиса, жараёнларни тушуниш, таниш, изоҳлаш.

Модда тузилиши предмети ва асосий тушунчалари; модда тузилишининг муаммолари ва уларни ҳал этиш; микроразрачалардан ташкил топган моддаларни турли хил ташқи майдонлар билан таъсирлашуви натижасида макросистемаларда рўй берадиган жараёнлар асосида уларнинг механизми, водород боғининг турлари ва унинг модда хоссаларига таъсирини, модда билан электр ва бошқа майдонларининг таъсирлашув сабабларини, микроразрачаларнинг дуалистик табиатини, Шредингер тенгламасининг қўлланилишини, квант сонларининг физик маъноси ўрганиш, молекуланинг симметрия элементларини аниқлаш, молекуланинг гибридланиши, геометрияси ва симметрияси,

- ЯМР спектридан хулосалар чиқариш, оптик спектроскопия маълумотлари асосида кимёвий бирикманинг тузилиши, Ламберт-Бернинг ютилиш қонуни ва ундан фойдаланиш, спектрал параметрлари ёрдамида модда тузилишининг фазовий ҳолати ва эритмадаги таутомер кўринишларини аниқлаш, инфрақизил ва ядро магнит резонанси ёрдамида молекула тузилишини аниқлаш, моддалар тузилишини аниқлашда ултрабинафша, инфрақизил ядро магнит резонанси ва масс-спектрокопия турларини биргаликда ишлатиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

“Комплекс бирикмалар кимёси” фани, унинг шаклланиши ва ривожланиш тарихи;

комплекс бирикмалар ва уларни олиниш усуллари, комплекс бирикмалар ҳосил қилувчилар ва лигандлар, комплекс бирикмаларни номлаш ҳақида **билимга**; комплекс бирикмаларда изомерия ҳодисаси; комплекс бирикмаларнинг синфлари; комплекс бирикмаларнинг хиллари; металлларнинг кластерлари, комплекс бирикмалар кимёсининг муҳим қоидалари; комплекс бирикмаларда электростатик Коссел ва Магнус назарияси, ковалент боғланиш назарияси; кристалл майдон назарияси, молекуляр орбиталлар назарияси, комплекс бирикмаларда датив боғланишларни билиши ва уларни амалий қўллай олиш **кўникмасига**; кимёвий анализда комплекс бирикмаларнинг аҳамияти, комплекс бирикмаларнинг ишлатилиш соҳалари бўйича **малакасига эга бўлиши лозим**.

Бо'лажак кимё о'қитувчиларни кимё фанларини инноватсион ва ахборот технологияларини асосида ўқитишга тайёрлаш, талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, кимёвий ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

- кимёни ўқитишда дарсдан ташқари ишлар ва синфдан ташқари машғулотларда педагогик технологиялардан фойдаланишни лойиҳалаштириш, усуллари ҳақида **билиши ва улардан фойдалана олиши**; кимёдан экскурсияларда ўқувчиларда билиш фаолиятини фаоллаштиришни лойиҳалаштириш, кимёнинг долзарб масалаларини илг'ай олиши ва о'қувчиларга етаказ олиш **малакасига эга бо'лиши керак**.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Маънавий-маърифий фаолиятида:

маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;

глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;

фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;

бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

3. 5110300– Кимё ўқитиш методикаси бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5110300 – Кимё ўқитиш методикаси бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунари таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

- умумметодологик, гуманитар ва табиий-илмий фанлар;

- умумкасбий фанлар;

- ихтисослик фанлар;

- қўшимча фанлар.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Умумметодологик, гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунари таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларидаги жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

коинотнинг табиий объект эканлиги ва унинг эволюцияси; табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истикболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

муайян билим соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

ўқув-тарбиявий жараённинг комплекс хусусиятга эга эканлигини эътиборга олган ҳолда, ахборот технологияларини жорий этишни интегратив ёндашув асосида ташкил этиш малакасини таркиб топтириши;

ўқитишнинг илмийлиги ва кўргазмалилигини таъминлаш мақсадида ахборот технологияларининг мультимедиа имкониятларидан унумли фойдаланишга ўргатиши;

замонавий ахборот технологиялари муҳитида ўқув жараёнларини лойиҳалаштиришда ўқитишни индивидуаллаштириш, интенсивлаштириш ва оптималлаштиришга эришиш малакаларини шакллантириши;

ўқитишнинг самарадорлиги ва натижавийлигини таъминлаш мақсадида, ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини тизимли, мантиқий кетма-кетликда қўллаш қобилиятини таркиб топтириши;

интернет воситасида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, веб-квестларни яратиш ҳамда уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш малакасини шакллантириши;

математика дунёни билишнинг ўзига хос усули, унинг тушунчалари ва тасаввурларининг умумийлиги ҳақида;

талабаларга бакалаврият таълим йўналишининг назарий ва амалий масалаларини еча олишга етарли бўлган математик аппаратни эгаллаши ва уни қўллашни шакллантириш;

тарбия жараёнида турли ёшдаги болалар ва ўсмирлар организмнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш, зарарли одатлар, гиёҳвандликни олдини олиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг тиббий – гигиеник асослари ҳақида билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш;

тарбия жараёнида болалар ва ўсмирлар соғлигини ҳимоя қилиш, ўрта махсус ва касб-хунар коллеждлар шарт - шароитлари, жиҳозланиши ва ўқув юкларининг организмга таъсирини ўрганиш;

бакалаврларни экология ва табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги асосий тушунчалар, экологик муаммолар, бу муоммоларни ўз вақтида ижобий ҳал қилиш учун экологик маълумотга эга бўлишлари;

табиат қонунларидан хабардор бўлишлари, табиат билан жамият ўртасидаги узвий боғлиқликнинг туб моҳиятларини англаб етишлари лозим.

Умумқасбий фанлар блоки:

математик ва табиий-илмий фанлар билан ихтисослик фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумқасбий билимларни, амалий кўникма ва ўқувларни шакллантириши;

таълим олувчиларнинг умумқасбий маданияти ва интеллектини ривожлантириши;

умумқасбий вазифаларни ҳал этишда фан ва таълимнинг замонавий муаммоларига доир билимлардан фойдаланишга тайёрлаши ҳамда муваффақиятли амалга оширишга доир ахборий-дидактик таъминотни яратиш малакасини таркиб топтириши;

қасбий фаолиятнинг илмий соҳасидаги ўзгаришларни англаш, таҳлил этиш, умумлаштириш, аниқ хулосалар қабул қилиш кўникма ва малакаларини шакллантириши;

замонавий таълим ва инновацион тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, қасбий ўз-ўзини ривожлантириш йўналишларини белгилаб бериши;

бирламчи манбалар асосида қасбий билимларни ривожлантириш, қасбий шаклланиш ва ижтимоийлаштириш имкониятини тақдим этиши;

моделли тасаввурларни тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўриқларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши;

психика, шахс, фаолият, мулоқот, билиш жараёнлари, иродавий сифатлар, ҳиссий ҳолатлар, индивидуал-хусусиятларга доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, ҳамда бўлажак педагог мутахассислар тамонидан психик тараққиёт қонуниятлари, даврлари, механизмлари,

омиллари ва шарт-шароитлари ҳақидаги замонавий илмий билимнинг ўзгартирилишини ташкил этиш;

психологиянинг моҳияти, психика ва онг тушунчалари, психик жараёнлар, ҳолатлар, хусусиятлар, психик ривожланиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари, ёш даврлари таснифи, психик тараққиётнинг турли босқичлари учун хос психофизиологик ва психологик хусусиятлар ҳақидаги билимлар билан қуроллантириш;

бўлажак ўқитувчиларни замонавий педагогик фаннинг назарий-тарихий асослари ва ўқитувчи маҳоратига доир билимлар билан қуроллантириш, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида таълим-тарбия жараёнини оқилона ташкил этиш, педагогик меросдан самарали фойдаланиш, реал таълим амалиётида юксак педагогик маҳорат ва ўқитувчи нутқи маданиятини намоён эта олишга ўргатиш;

талабаларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва таълимни самарали ташкил этишга ўргатиш;

ўқув-тарбия жараёнини самарали бошқариш, ўқув-меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш ҳамда таълим олганликни ташхис этиш қонуният ва тамойиллари билан таништириш;

миллий ва жаҳон педагогик фикрлари тараққиёти билан таништириш ҳамда педагогик меросдан самарали фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

глобал доирада таълим тизими ривожланишининг ҳолати, асосий йўналишлари ва қонуниятларини таҳлил этиш, миллий ва худудий ўзига хосликлардаги умумий кўринишларни очиб бериш, халқаро педагогик тажрибанинг ижобий ва салбий жиҳатлари, миллий педагогик маданиятни бойитиш шакл ва методларини аниқлаштириш;

талабаларни ўқитувчи фаолиятида касбий маҳоратнинг тутган ўрни, мазмун-моҳиятига доир назарий билимлар ҳамда педагогик фаолиятнинг турли кўринишларида ўқитувчининг муомала маданияти, оғзаки ва ёзма нутқ маданияти, ўқувчилар билан алоқа ўрнатиш ва мулоқотга кириша олиш методикасини тўлиқ ўзлаштиришларига эришиш лозим.

Ихтисослик фанлар блоки:

бакалавриат таълим йўналиши бўйича мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва укувларини шакллантириши;

ихтисосликнинг аниқ касбий ва илмий йўналишлари билан таништириш, касб фаолияти хусусиятлари, фаолиятнинг устувор жиҳатлари, малакавий талаб ҳамда эгалланиши зарур бўлган асосий малакаларни таркиб топтириши;

касбий-йўналтирилган талаблар, ижтимоий маданий сифатлар, мутахассисликка хос бўлган сифатлар (касбий йўналганлик, билимдонлиги, касбий лаёқат)ни ривожлантириши;

бўлажак касбий фаолият индивидуал методининг асоси сифатида, ўқув-педагогик ҳаракатларнинг репродуктив ва ижодий усуллари шакллантириш; муҳим касбий сифатларни ривожлантириш, касбий ва шахсий ўзини ривожлантириш эҳтиёжини юзага келтириши;

аниқ педагогик вазиятда маълум масалаларни ажратиб олиш ва уларни ҳал қилиш усули сифатида педагогик тафаккурни ривожлантириши;

талабанинг муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашишни *таъминлаши лозим.*

Қўшимча фанлар блоки

талабаларнинг бакалавриат таълим фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини кондириши;

меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

жамиятни педагогизациялаш шароитида педагогик профилактикани ташкил этиш ва амалга ошириш малакасини таркиб топтириши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фанлар дастурларининг мослашувчанлигини *таъминлаши лозим.*

Танлов фанлари: *Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

3.2. 5110300– Кимё ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши лозим.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

- назарий ва амалий таълим – 60,3%;
- аттестация – 9,3 %;
- таътил – 15,7 %;
- малака амалиёти – 11,8 %;
- битирув малакавий иши – 2,9%.

Назарий таълим ҳажми “**Гуманитар**” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

- гуманитар ва табиий-илмий фанлар - 23,9 %;
- умумқасбий фанлар - 46,69 %;
- ихтисослик фанлар - 24,01 %;
- қўшимча фанлар - 5,71%.

110000-Педагогика таълим соҳаси бакалаврият таълим йўналишлари малака талаблари бўйича “Гуманитар ва табиий-илмий фанлар” блоки 20-30%, умумқасбий фанлар блоки 30-50%, ихтисослик фанлар блоки 20-35% ни, қўшимча фанлар блоки 4-6% ни ташкил этди. Шунингдек, магистратура мутахассисликларининг малака талаблари бўйича “Умумметодологик фанлар” блоки 25-30%, “Мутахассислик фанлари” блоки 45-55% ни ташкил этди. Танлов фанлари блоки 15-30% ни ташкил этди ва ўзгармаган ҳолда қолди.

Ушбу малака талаблари “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифаларига мос, таълим-тарбияга йўналтирилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармонларини амалга оширишга йўналтирилган.

Малака талабларини ишлаб чиқишда мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний кадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаблари асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий компетентлик шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаблари халқаро тажриба, техника, технология, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари, иктисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиёт қўядиган талабларни ҳисобга олган ҳолда яратилди.

Малака талаблари шахснинг ҳар томонлама ривожланишини ҳисобга олган ҳолда узвийлик ва изчилликнинг мужассамлигини таъминлашга қаратилди.

Ўқув юкласининг оддийдан мураккабга қараб тузилиши натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари инобатга олинди.

110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларига тажрибада синовдан ўтган таълим ва ишлаб чиқаришнинг илғор меъёрлари киритилди.

110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш босқисига жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иктисодиёт соҳаларининг модернизациялашуви шароитида кадрлар истеъмолчилари талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этилишига тегишли шароитлар яратилди.

110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талабларини ишлаб чиқишда олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг хорижий тажрибаларидан фойдаланилганлиги ҳақида

МАЪЛУМОТНОМА

110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари лойиҳасини ишлаб чиқишда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хитой Халқ Республикаси, Япония, Корея, Белоруссия, Россия ва бошқа хорижий мамлакатлар олий ўқув юртларида педагогика таълим соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тажрибасидан фойдаланилди.

110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари лойиҳасини ишлаб чиқишда хорижий мамлакатларда педагогик кадрлар тайёрлаш вақтининг кўп қисми малака амалиётини ўтказишга сарфланиши танкидий таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишган қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғи, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги “Олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 504-сонли буйруғида белгиланган вазифалар асосида бакалавриат таълим йўналишлари талабаларининг малака амалиётларини ўтказиш муддати 24 ҳафта қилиб белгиланди. Мактабгача таълим йўналиши (3 йиллик) талабаларининг малака амалиётларини ўтказиш муддати 14 ҳафта, ўқиш даври 3 йил қилиб белгиланди.

110000-Педагогика таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари асосида кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртларида бакалавриат талабалари илмий-тадқиқот ишларига жалб этилишини инobatга олиб, малака талабларида илмий-тадқиқот фаолияти ҳам назарда тутилган. Илғор хорижий мамлакатлардаги педагогика таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлар сонини ва номланишини ҳисобга олиб, ўқув режасида фан блоклари таркиби янгиланди.

Хорижий мамлакатларда олий педагогика таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрловчи таълим муассасаларида талабаларнинг келгуси фаолияти ҳисобга олиниб танлов бўйича фан ўрганиш имконияти берилди, яъни таълимни демократлаштиришни назарда тутишини эътиборга олиб, ушбу **110000-Педагогика таълим соҳаси** бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режасидаги танлов фанлари ҳажми олдинги авлод ўқув режасига нисбатан оширилди.

Педагогика таълим соҳаси бўйича илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда хорижий тажрибадан кенг фойдаланиш мақсадида магистратура талабалари малака талабларида мамлакатимиз ҳамда хорижий илмий ва таълим муассасаларида стажировка ўтказиш инobatга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига
киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий
фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

| Т.р. | Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) | | Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари) |
|------|--|-------------------------------|---|
| | Шифри | номи | |
| 1. | 5110300– | <i>Кимё ўқитиш методикаси</i> | <p>Битирувчи қўйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <p>-таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини моделлаштириш;</p> <p>-яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш;</p> <p>-таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш;</p> <p>-таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шаклларида унумли фойдаланиш, ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;</p> <p>-талабаларнинг креатив салоҳиятни таълим тизимни ахборотлантириш жараёнида шакллантириш ва ривожлантириш;</p> <p>-таълим менежменти бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш;</p> <p>-таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш қобилиятларига эга бўлиши керак.</p> <p>– кимё ўқитиш методикаси фанининг асосий мақсади ва тушунчалари, кимё ва унга оид фанларнинг шаклланиши ва ривожланишининг тарихий босқичлари; Ўзбекистон олимларининг кимё соҳасидаги ютуқлари, Ўзбекистонлик олимларнинг кимёнинг ривожлантиришга қўшган ҳиссалари ва кимёвий фанларининг кейинги ютуқларини билиши; кимёнинг назарий масалалари тўғрисида, жумладан атом ва молекулалар тузилишининг квант механик талқини; кимёвий боғланиш тўғрисидаги тасавурнинг ривожланиши ва умумий тавсифи; кимёвий термодинамика, кимёвий жараёнларининг кинетик ва термодинамик қонуниятлари; оксидланиш-қайтарилиш реакциялари ва электролиз қонунлари; электролитик диссоциланиш назарияси ва гидролиз жараёнлари; органик кимёга</p> |

| | | |
|--|--|---|
| | | <p>кириш ва унинг асосий хусусиятлари ҳақида назарий билимга эга бўлиши;</p> <p>-Кимё тарихи фанининг асосий мақсади ва тушунчалари; кимё тарихи алоҳида фан сифатида пайдо бўлиши, унинг ривожланиш тарихи; инсоният ривожланиши тарихини тош, янги тош(неолит), мис, бронза, темир даврларга бўлиниши; Грек атомистикаси. Алкимё даври. Алкимёнинг келиб чиқиши. Араб ва Европа алкимёси, унинг энг машҳур намоёндалари ва уларнинг кимё соҳасидаги ишлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши; XIX ва XX асрда органик кимёнинг ривожланиши; XX асрда квант-механика ва квант кимё ҳақида билиши ва улардан фойдалана олиши;</p> <p>XX асрда квант-механика ва квант кимё; Ўзбекистонда кимё фани ва саноати ҳамда уларнинг ривожланиши асослари; Ўзбекистоннинг машҳур кимёгар олимлари ва уларнинг илмий фаолияти; кимё ривожланишининг истиқболлари бўйича кўникмаларига эга бўлиши керак.</p> <p>-Анорганик кимё фанига кириш, Д.И.Менделейев даврий системаси, асосий ва қўшимча гуруҳи элементлари оддий ва мураккаб моддаларининг тузилиши, олиниши ва хоссалари; элементлар ва уларнинг бирикмаларини кашф қилиниши; водород, гидридлар ва уларнинг хоссалари; с оила элементларининг олиниши физик ва кимёвий хоссалари; п оила элементларининг олиниши физик ва кимёвий хоссалари; д ва ф оила элементларининг олиниши физик ва кимёвий хоссалари, атом ва молекулалар тузилиши октава назарияларига оид билимлар ва уларни амалий масалаларни ҳал қилиш;</p> <p>-Аналитик кимё фанининг бошқа фанлар билан алоқаси, халқ хўжалиги ва саноатда тутган ўрни ҳақида; сифат ва миқдор анализи, ҳўл ва оуруқ усулдаги анализ, катион ва анионларнинг сифат реакциялари ёрдамида идентификация қилиш методлари, анализнинг гравиметрик, титриметрик, физик-кимёвий методлари; турли усулларда эритмалар тайёрлаш, тажрибаларни ўтказиш билиши ва улардан фойдалана билиш; физик кимёвий методлар қурилмаларини ишлата билиш кўникмаларини ишлата билиш кўникмаларига эга бўлиши керак.</p> <p>-Органик кимёнинг ривожланиш тарихи, органик моддаларни тадқиқ этиш методлари; органик моддаларнинг кимёвий тузилиши, А.М.Бутлеров назарияси, кимёвий боғланишининг электрон назарияси, йўналувчан валентликлар назарияси, электронларнинг силжиш назарияси; изомерия, органик реакцияларнинг синфлари, органик бирикмаларнинг синфлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши; углеводлар-алканлар, алкенлар, алкинлар, алкадиенлар, циклоалканлар ва ароматик углеводородлар, алканларнинг галогенли ҳосилалари; нефт ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари; органик кимё фани бўйича тажрибалар ўтказиш ва масалалар ечиш малакаларини ҳосил қилиши ҳамда амалда қўллаш олиши;</p> <p>- Агрокимё фанининг юксалиш босқичлари, ўсимликларнинг кимёвий таркиби ва озикланиши, тупроқларнинг ўсимликларни озикланиши ва ўғит қўллаш билан боғлиқ хоссалари, минерал ўғитларнинг турлари асосларини, лаборатория машғулотида тупроқ таркибидаги азот, фосфор ва калийни ҳаракатчан формаларини аниқлаш, ўсимликнинг бошқа белгиларига қараб</p> |
|--|--|---|

| | | |
|--|--|---|
| | | <p>уларнинг ўғитларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, минерал ўғит турлари ва сифат реактсиялари ёрдамида аниқлаш методларини ўрганиб олиши, замонавий асбобларда ишлай билиши ва улардан фойдалана олиши;</p> <p>-Электрокимё фанининг асосий назарлари ва қонунларини англай билиши, электролитларнинг назарий асослари, электр ўтказувчанлик, электрод жараёнлари кинетикаси, металлар коррозиясининг назарий асосларини, лаборатория машғулотида электрокимёнинг текшириш методларини ўрганиб олиши, замонавий асбобларда ишлай олиши;</p> <p>- Физик кимё фанининг юксалиш босқичлари, ўрганиш жараёнида кимёвий реаксияларнинг ўз-ўзидан кетиш эҳтимоллигини ва ташқи шароитга боғлиқ равишда йўналишини, турли кимёвий жараёнларнинг кинетик параметрларини, моддаларнинг схала дисперсланган ҳолати, дисперс системаларнинг хиллари, уларни классификациялаш асослари, олиш, тозалаш ва тадқиқ қилиш усуллари, кинетик, оптик, электрик, механик ва бошқа хоссалари, кинетик барқарорликнинг хиллари ва сабабларини билиши ва улардан фойдалана олиши; физик кимё фанидан дарс, лабораторияларни бажариш натижасида талаба классик ва замонавий метод ва асбобларда эксперимент ўтказиш қўникмасига эга бўлиши керак.</p> <p>-Ўзбекистонда кимё саноатининг табиий захиралари; Ўзбекистон Республикасининг кимё саноатлари; моддаларнинг замонавий усулларда олиниши; кимёвий тоза моддалар ишлаб чиқариш муаммолари; кимёнинг экологик масалаларини билиши, кимё - технологик ва металлургик жараёнларни кимёвий қонуниятлар асосида кўриб чиқиш қўникмасига эга бўлиши керак.</p> <p>Ўзбекистонда кимёвий металлургик ва кимёга оид бошқа ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, республикамиздаги энергетик захиралар асосидаги кимёвий ишлаб чиқаришлар ривожланишининг истиқболлари. Техника тараққиёти йўллари: янги дастгоҳлар ва технологик жараёнлар асосида ишлаб чиқаришнинг қувватини орттириш, янги механизатсиялаш, автоматлаштириш ва роботлантириш ҳисобига иқтисодий жихатдан сарфларни камайтириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни такомиллаштиришлар малакасига эга бўлиши лозим.</p> <p>-Полимерланиш реаксияларининг асосий хусусиятлари; полимер эритмаларининг ўзига хослиги ҳақида тасаввурга эга бўлиши; полимерларнинг кимёвий тузилиши ва синфланиши; синтетик полимерларнинг олиниши; занжирли ва босқичли полимерланиш реакциялари; радикал ва ионли полимерланиш реаксиялари ва уларнинг ўзига хослиги; поликонденсатсияланиш реаксиялари ва унинг асосий хусусиятлари; сополимерланиш реаксиялари ва механизми; пайванд ва блок сополимерлар синтез қилиш усуллари; полимерланиш жараёнини ўтказишнинг технологик усуллари; селлюлозанинг оддий ва мураккаб эфирлари, уларнинг олиниш усуллари ҳақида билиши ва улардан фойдалана олиши; физик-кимёвий методлар билан суюлтирилган ва контсентрланган полимер эритмаларни</p> |
|--|--|---|

| | | |
|--|--|--|
| | | <p>ҳосил қилиш; полимерларнинг молекуляр массасини аниқлаш; олган назарий билимларини амалда, яъни лаборатория шароитида мустаҳкамлаш мақсадида полимерланиш реаксияларини бажара олиш <i>кўникмаларига эга бўлиши керак.</i></p> <p>-Кристаллокимёдан кристаллларнинг ички тузилиши умумий қонуниятларини кимёвий назариялари тўғрисида тараввурларга эга бўлиши; кристаллларнинг ички тузилишида қатнашадиган атамалари ўзаро боғланишларини, ички тузилиши билан физик-кимёвий хусусиятларининг узвий боғлиқлигини; назария таълимотлари асосида моддаларнинг тузилиши билан боғлиқ хоссаларини англай олиши <i>тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;</i></p> <p>-Ўзбекистонда экологик аҳвол, жамият ва атроф – муҳит сотсиал экологик иқтисодий системалар; экологик системаларнинг тузилиши, функсиялари, ўзаро боғлиқлиги <i>ҳақида тасаввурга эга бўлиши;</i> ишлаб чиқариш системалари; атмосфера ва уни муҳофаза қилиш, атмосферани ифлослантирувчи манбаълар, ифлослантирувчи асосий моддалар; саноат корхоналаридан атроф-муҳитга чиқадиган ифлос чиқиндиларни назорат қилиш ва нормалаш, атмосфера ҳавосини ифлосланишнинг санитария нормалари; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг норматив ва ҳуқуқий асослари; Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қонунлари ва табиатни сақлаш қонунчилигини <i>билиши ва улардан фойдалана олиши;</i> токсик моддаларнинг биосфера компонентларида йўл қўйилиши мумкин бўлган концентратсияларини аниқлаш <i>кўникмаларига эга бўлиши керак.</i></p> <p>-Кимёдан масала ва машқлар ечиш фанининг ўқувчилар илмий дунёкараши шакллантиришдаги роли, умумий ва норганик кимё; аналитик кимё, органик кимёнинг, физикавий ва коллоид кимё ҳамда полимерлар кимёси қонунларига оид масалалар ечиш ва улардан дарс давомида фойдала олиши;</p> <p>-олган назарий билимларини амалда мустаҳкамлаш мақсадида кимёдан масала ва машқларни бажара олиш <i>кўникмаларига эга бўлиши керак.</i></p> <p>-Кимёдан хилма-хил масала ва машқларни тузиш, турли хил топшириқ, жадваллар ва ностандарт тестлар, жадваллар тузиш қонуниятлар асосида кўриб чиқиш кўникмасига эга бўлиши;</p> <p>-Ўзбекистонда анорганик кимё, органик кимё, аналитик кимё, кимё технологияси, физикавий ва коллоид кимё, кимё тарихига оид билимларни эгаллаш, кимёнинг долзарб масалаларини илг'ай олиши ва о'қувчиларга етаказ олиш малакасига эга бўлиши лозим.</p> <p>-кимёни ўқитиш методикасининг педагогика, психология фанлари билан боғлиқлиги;</p> <p>-кимёни ўқитиш методлари ва технологиялари, кимё бўйича яратилган дарсликлар, қўлланмаларнинг хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;</p> <p>-умумий ўрта таълим кимёси мақсади, мазмуни ва вазифалари, ўрта махсус, касб – ҳунар таълими кимё курсининг мақсади, мазмуни ва вазифаси;</p> <p>-кимёни ўқитишда дидактик тамойиллар, кимё бўйича дарсдан ташқари ишларни билиши ва</p> |
|--|--|--|

| | | |
|--|--|--|
| | | <p>улардан фойдалана олиш;</p> <p>-кимёни ўқитишда дарсдан ташқари ишлар ва синфдан ташқари машғулотларда педагогик технологиялардан фойдаланишни лойиҳалаштириш, усуллари ҳақида билиши ва улардан фойдалана олиши;</p> <p>-кимё фанини ўқитишда илғор методик тажрибаларни умумлаштира олиш, кимё бўйича мустақил таҳсил олишга ўқувчиларни йўллаш;</p> <p>-кимё фани бўйича ўқувчилар билимини баҳолай олиши, кимё дарсларини режалаштириш;</p> <p>-кимё фанини ўқитиш методларини, инновацион ва инфорацион технологиялар асосида дарс ўтиш методикасини, кимёвий тажрибалар ўтказиш ҳақида тасаввурга эга бўлиши;</p> <p>-анъанавий ва ноанъанавий методлар, илғор педагогик технологияларни фан ва мавзуларни ўтиш чоғида танлай олиши, ўз фанида метод ва технологияларни ижодий қўллай олиши, далилларни таҳлил қилиши, умумлаштириш ва шу асосда хулоса чиқара олишни билиши ва улардан фойдалана олиши;</p> <p>-кимё фанларини ўрта умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, ўрта махсус касб-хунар коллежларида ўқитишнинг асосий назарий ва амалий масалаларидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши керак.</p> <p>- кимёвий объект, ходиса, жараёнларни тушуниш, таниш, изоҳлаш.</p> <p>-Модда тузилиши предмети ва асосий тушунчалари; модда тузилишининг муаммолари ва уларни ҳал этиш; микроразрачалардан ташкил топган моддаларни турли хил ташқи майдонлар билан таъсирлашуви натижасида макросистемаларда рўй берадиган жараёнлар асосида уларнинг механизми, водород боғининг турлари ва унинг модда хоссаларига таъсирини, модда билан электр ва бошқа майдонларининг таъсирлашув сабабларини, микроразрачаларнинг дуалистик табиатини, Шредингер тенгламасининг қўлланилишини, квант сонларининг физик маъноси ўрганиш, молекуланинг симметрия элементларини аниқлаш, молекуланинг гибридланиши, геометрияси ва симметрияси,</p> <p>- ЯМР спектридан хулосалар чиқариш, оптик спектроскопия маълумотлари асосида кимёвий бирикманинг тузилиши, Ламберт-Бернинг ютилиш қонуни ва ундан фойдаланиш, спектрал параметрлари ёрдамида модда тузилишининг фазовий ҳолати ва эритмадаги таутомер кўринишларини аниқлаш, инфрақизил ва ядро магнит резонанси ёрдамида молекула тузилишини аниқлаш, моддалар тузилишини аниқлашда ультрабинафша, инфрақизил ядро магнит резонанси ва масс-спектрокопия турларини биргаликда ишлатиш кўникмаларига эга бўлиши керак.</p> <p>“Комплекс бирикмалар кимёси” фани, унинг шаклланиши ва ривожланиш тарихи; комплекс бирикмалар ва уларни олиниш усуллари, комплекс бирикмалар ҳосил қилувчилар ва лигандлар, комплекс бирикмаларни номлаш ҳақида билимга; комплекс бирикмаларда изомерия ходисаси; комплекс бирикмаларнинг синфлари; комплекс бирикмаларнинг хиллари;</p> |
|--|--|--|

| | | | |
|----|----------|---|--|
| | | | <p>металларнинг кластерлари, комплекс бирикмалар кимёсининг муҳим қоидалари; комплекс бирикмаларда электростатик Коссел ва Магнус назарияси, ковалент боғланиш назарияси; кристалл майдон назарияси, молекуляр орбиталлар назарияси, комплекс бирикмаларда датив боғланишларни билиши ва уларни амалий қўллаш олиш қўникмасига; кимёвий анализда комплекс бирикмаларнинг аҳамияти, комплекс бирикмаларнинг ишлатилиш соҳалари бўйича малакасига эга бўлиши лозим.</p> <p>Бо'лажак кимё о'қитувчиларни кимё фанларини инноватсион ва ахборот технологияларини асосида ўқитишга тайёрлаш, талабаларни назарий билимлар, амалий қўникмалар, кимёвий ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.</p> <p>- кимёни ўқитишда дарсдан ташқари ишлар ва синфдан ташқари машғулотларда педагогик технологиялардан фойдаланишни лойиҳалаштириш, усуллари ҳақида билиши ва улардан фойдалана олиши; кимёдан экскурсияларда ўқувчиларда билиш фаолиятини фаоллаштиришни лойиҳалаштириш, кимёнинг долзарб масалаларини илг'ай олиши ва о'қувчиларга етаказ олиш малакасига эга бо'лиши керак.</p> |
| 2. | 5A110401 | Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (Кимё) | <p>Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (Кимё) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай билиши шарт бўлган барча талабларни мутахассислиги бўйича магистр янада юқори даражада бажариши керак.</p> <p>Бундан ташқари у:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Кимё соҳасидаги касбий билимларини амалда қўллаши; - индивидуал ва гуруҳларда ишлаши; - фан ва техниканинг замонавий ривожланиш шароитларида биология соҳасидаги янги билимларни тезкор эгаллаши; - таълим тизими соҳасида тезкор қарорлар қабул қилиши; - фаннинг замонавий ютуқлари, педагогик технология-лардан фойдаланиш, дарсни ўқув-тарбиявий жараён қонуният-лари асосида ташкил этиш, таълим олувчиларнинг қизиқиш-лари, лаёқати ва талабларини ҳисобга олиш асосида улар томонидан билимларнинг пухта ўзлаштирилиши учун зарур шароитларни яратиш; - таълим олувчи шахсининг ҳар томонлама ривожлан-тириш жараёнини мотивациялаш ва фаоллаштириш, ўқув-тарбиявий фаолият барча босқичларининг мантикийлиги ва эмоционалликка эришиш, дидактик воситалардан самарали фойдаланиш; зарур билим, қўникма ва малакалар, фикрлаш ва фаолият рационал усуллари шакллантириш, мавжуд билимларни доимо бойитиб бориш эҳтиёжини юзага келтириш, ҳар бир дарсни ташхис этиш, прогнозлаш ва пухта лойиҳалаштириш; - ҳар бир дарснинг таълимий вазифаларини аниқ белгилаш, дарсни ахборотлар билан |

| | | | |
|--|--|--|---|
| | | | <p>бойитиш, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан мазмунини оптималлаштириш, идрок этиш ва ўзлаштиришнинг энг янги технологияларини қўллаш, турли хилдаги шакл, метод ва воситалардан мос равишда фойдаланиш;</p> <ul style="list-style-type: none">- жамоавий фаолият усуллари билан бирга таълим олувчиларнинг мустақил фаолиятларини ташкил этишнинг турли шакллари билан фойдаланиш, тезкор қайта алоқани таъминлаш, назорат ва бошқарувни амалга ошириш, дарсни маҳорат билан ўтказишни таъминлаш;- таълим олувчиларни миллий ва умуминсоний кадрлар асосида тарбиялаш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар (ватанпарварлик, тиришқоқлик, тартиблилик, масъулиятлилик, интизомлилик, мустақиллик, толерантлик ва бошқалар)ни шакллантириш;- педагогик одоб талабларига амал қилиш, таълим олувчилар билан ҳамкорлик ва уларнинг муваффақият қозонишларидан манфаатдор бўлиш;- таълим олувчиларда ўқув-билиш фаолиятига доир ижобий сифатлар, қизиқиш, ижодий ташаббускорлик ва фаолликни шакллантириш ҳамда ривожлантириш;- таълим олувчиларнинг идрок этиш имкониятлари даражасини ўрганиш, ҳисобга олиш, “ривожланишнинг яқин зонасини лойиҳалаштириш”, “ўзиб кетиш” даражасидаги ўқув машғулотларини ташкил этиш;- таълим олувчиларнинг шахсий ва касбий ривожланишини таъминлаш мақсадида таълим-тарбия шакл, метод ва воситаларини ҳамда таълим технологияларини оқилона танлаш ва самарали қўллаш;- таълим олувчиларнинг ўзлаштирилаётган ўқув дастурлари билан боғлиқликдаги билиш имкониятлари, эҳтиёжлари ва муваффақиятларини ўрганиш ва олинган натижалар асосида таълим, тарбия ва ривожланишнинг индивидуал йўналишларини лойиҳалаштириш;- таълим ва тарбия жараёнини таълим олувчиларнинг ёш ҳамда психофизиологик хусусиятларига, шу жумладан уларнинг таълимий эҳтиёжларига мос келувчи педагогик технология-лардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;- педагогик жамоа, ота-оналар, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни ташкил этиш;- касбий ўз-ўзини тарбиялаш ва ривожлантириш;- педагогларнинг касбий эҳтиёжлари ҳамда имконият-ларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда олинган натижалар асосида индивидуал методик қўлаб-қувватлаш тизимини лойиҳалаштириш;- педагогларнинг ҳамкорликдаги методик фаолияти натижаларини амалда қўлланишини тадқиқ этиш, ташкил этиш ва баҳолаш;- таълимий дастурларни ва таълим олувчиларнинг индивидуаллигини ривожлантириш йўллари лойиҳалаш-тириш; |
|--|--|--|---|

| | | | |
|--|--|--|---|
| | | | <ul style="list-style-type: none">- ўқув фанлари мазмуни, назорат шакл ва методларини ҳамда дидактик материалларини лойиҳалаштириш;- ўқитиш жараёни сифатини таъминловчи таълимий муҳитни лойиҳалаштириш;- бўлғуси педагогик фаолиятни лойиҳалаштира олиш компетенциясига эга бўлиши лозим. |
|--|--|--|---|

«5110300-Кимё ўқитиш методикаси» бакалаврият таълим йўналиши бўйича малака талабининг халқаро миқёсидаги бошқа таълим йўналишлари малака талаблари билан қиёсий таққослаш

Бакалавриатурада таълим жараёнининг умумий кўрсаткичлари

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси (бакалавриатура) | Жанубий Корея Республикаси (бакалавриатура) | Германия (бакалавриатура) |
|---|---|---|--|---|
| 1 | Бошланиши | Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларидан сўнг | Ўрта мактабни битиргандан сўнг | Ўрта мактабни битиргандан сўнг |
| 2 | Давомийлиги | 4 йил | 4 йил | 4 йил |
| 3 | Таълим олувчилар сони | 25-30 | 20 | 20 |
| 4 | Ўқиш жойлари | Таълим муассаса-ларининг илмий тадқиқот бўлимларида, илмий тадқиқот институтларида, илмий муассасалар ва ўқув юртларининг тадқиқот бўлимларида ўтказилади | Университетга ҳомийлик қиладиган институтларда | Университет кафедрасида талабаларнинг йўналиши ва илмий тадқиқот мавзуларига таалукли бўлган институтларда |
| 5 | Таълим берувчилар | Университетда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар | Университетда фаолият юритаётган илмий унвонга эга бўлган малакали ўқитувчилар ва хорижий мутахассислар жалб этилади | Университетда фаолият юритаётган илмий унвонга эга бўлган соҳа мутахассислари ва хорижий мутахассислар жалб этилади |
| 6 | Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш | Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ДТМ, кафедра мудири, бириктирилган бошқа ўқитувчилар | Факультет раҳбарияти ва тегишли кафедра мудирлари ва ўқитувчилар | Факультет деканати, кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчи ўзига бириктирилган талабалар билан индивидуал тарзда фаолият юритади |


Бакалавриатурада таълим жараёнининг таркиби

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси (бакалавриатура) | Жанубий Корея Республикаси (бакалавриатура) | Германия (бакалавриатура) |
|---|-----------------------|---|---|--|
| 1 | Назарий таълим | Кафедрадаги ўқитувчилар томонидан назарий билимлар талабаларга берилади | Асосан талабалар ўзларининг йўналишлари бўйича профессор-ўқитувчиларнинг маърузаларига қиради | Асосий қисми факультетда маъруза курслари кўринишида ўтказилади |
| 2 | Амалий | Таълим муассасасида | Университет кафедралари қошидаги махсус лабораторияларда | Таълим муассасасида ва университет кафедралари қошидаги махсус лабораторияларда |
| 3 | Илмий-тадқиқот ишлари | Бакалавриатурада таълим олувчилар танланган мавзуси бўйича битирув малакавий ишини асосан кафедра шароитида амалга оширади, кафедра ёки бошқа кафедра профессор-ўқитувчилари (маслаҳатчи) илмий раҳбар этиб тайинланади. Илмий изланиш давомида илмий мақолалар, тезислар ёзиш, | Илмий иш бўйича кафедра ёки ўзининг мавзуси бўйича бошқа мутахассис билан турли институтларда амалга оширилади. Бакалавриятда ўқиш жараёнида илмий раҳбар тайинланади | Кафедра профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида илмий дастурлар доирасида тадқиқот ишлари амалга оширилади. Илмий иш давомида рефератлар тақдим қилиши, конференцияларда иштирок қилиши ва |

| | | | | |
|---|--------------------------|--|---|---|
| | | республика ва халқаро илмий анжуманларда иштирок этиш ва маъруза қилиш билан шуғулланади | | илмий иш мавзуси бўйича журналга мақола ёзиши мумкин |
| 4 | Мустақил таълим | Талабалар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа таълим муассасаларида яратилган шароитлардан (таркатма материаллар, кутубхона, интернет тармоғи ва бошқа) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин. | Талабалар турли мавзуларда мустақил изланадилар ва семестрлар якунида хулосаларини профессор-ўқитувчиларга тақдим этадилар (мақола, тақдимот) | Талабалар мустақил таълимда журналларга камда 2-3 мақола ёзадилар. Мослаштирилган барча шарт-шароитлардан кенг фойдаланишлари мумкин. |
| 5 | Таълим жараёнида баҳолаш | Талабаларнинг назарий ва амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича билимларини баҳолаш бакалавриятда жорий, оралик, якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари оғзаки, ёзма, тест кўринишида ва амалий кўникмаларни намоиш этиш кўринишида талаб қилинади. | Семестрлар давомида асосий фанлардан белгиланган амалий, семинар машғулоти оралиқ кредит йиғиб борадилар | Талабаларнинг жорий билими, компетенцияси ва ўзлаштириши оралик тест саволлари оралиқ, билимларни даврий оғзаки кўринишида текшириш, цикллар бўйича ҳар ярим йилда ёзма тест кўринишида амалга оширилади. |

“Кимё ўқитиш методикаси” бакалавр таълим йўналиши юзасидан, бирламчи манбаларга суянган ҳолда, инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, соҳанинг назарий ва амалий муаммоларни билиш, ҳозирги кунда ўқитишнинг долзарб йўналишларини амалиётга татбиқ этишни, доимий изланишни, таҳлил қилиш ва мукамаллаштиришни талаб қилади. Юқоридаги маълумотларга асосан шунини айтиш мумкинки, давлатимизда яратилаётган “Кимё ўқитиш методикаси” таълим йўналиши малака талаблари жаҳон андозаларига мос равишда бўлиб, бошқа давлатларнинг таълим дастурларига ўхшаш томонлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Кафедра мудири:



А.Ю.Искандаров

5110300 –Кимё ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналишининг

малака талабларига берилган

ТАҚРИЗ

Республикамизда “Таълим тўғрисида” ги қонунининг қабул қилиниши ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг яратилиши ҳар жиҳатдан таълим соҳасидаги кенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда юксак натижаларга эришиш мумкинлигидаш далолатдир. Шунга кўра 5110300–Кимё ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари қуйидаги муҳим жиҳатларни ўз ичига қамраб олган десак муболага бўлмайди. Таълим йўналишининг умумий таснифи бўлимида унинг қўлланиш соҳаси, таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятлари таснифи, таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари, 5110300-Кимё ўқитиш методикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари ҳамда таълим йўналиши бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари ва таълимни давом эттириш имкониятлари аниқ ва тушунарли тарзда баён этилган.

5110300-Кимё ўқитиш методикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар бўлимида бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар, таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари асосида талабалар қандай асосий қобилиятларга эга бўлиши зарурлиги бағафсил баён қилинган.

5110300- Кимё ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар бўлимида бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олишни назарда тутилиши лозим. Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда яқиний давлат аттестасияси билан тугаллашнинг шартлиги ҳамда 5110300-Кимё ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми аниқ ва тушунарли тарзда кўрсатиб ўтилган


5110300-Кимё ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналиши учун тайёрланган малака талабларини бакалаврлар тайёрлашда асосий ҳужжат сифатида қабул қилиш мумкин ва уни фойдаланишга тавсия этаман

Тақризчи:

Ўзбекистон Республикаси ТДПУ

Кимё ўқитиш методикаси кафедраси

доценти, пед.ф.и.



Ф.А.Алимова